



# Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2016-yil 17-avgust, chorshanba \* № 33 (992) \* 1996-yil dekabr dan chiqqan boshlagan \* Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz \* www.uzhurriyat.uz

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан мустақиллигимизнинг 25 йиллиги олдидан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида кенг жамоатчилик ҳамда ёшлар иштирокида давра суҳбатлари, мулоқотлар, учрашувлар ва туркум семинарлар ташкил этилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан мустақиллик йилларида миллий ахборот соҳасининг ривожланишига бағишланган семинар ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ишчил ислохотлар натижасида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг кенгайиши, sanoat, transport, қурилиш, энергетика ҳамда бошқа соҳаларнинг изчил ривож хусусида алоҳида тўхталинди.

Тобора яқинлашиб келаётган қутлуг байрамимиз – Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан хорижий мамлакатлар вакиллари билан халқимиз номига йўлланган табриклар келиши давом этмоқда.



"HURRIYAT" газетаси Ўзбекистон ҳаво йўллари миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



ЎЗА олган сурат

## ЁШЛАР КЕЛАЖАГИГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

бу борадаги ишларнинг қонуний асослари мустаҳкамланмоқда

### ▶ ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Бугунги кунда юртимиз келажаги бўлган ёшларни жисмонан соғлом, маънан етук, интеллектуал салоҳиятли, ватанпарвар қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

Уларни узлуксиз таълим жараёнига қамраб олиш, дардан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, касб-ҳунарга йўналтириш, шу орқали улар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, келиб чиқиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш каби долзарб вазифалар давлатимиз сиёсатининг асосий мақсади ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6

февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши баркамол авлод таълим-тарбияси йўлидаги ишларни юқори босқичга кўтарган бўлса, эндиликда бу йўналишдаги ҳайрли ишлар қонун асосида мустаҳкамлаб қўйилиши кўзда тутилмоқда.

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан лойиҳаси тайёрланаётган

Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни бу борада амалга оширилаётган кенг ҳажмдаги ишларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади, мустаҳкамлайди ва янада юқори босқичга кўтаради.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг 1-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ад-

лия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилди.

Мамлакатимизда ўтган 25 йил давомида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилган бўлиб, жумладан, 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Ўтган вақт мобайнида ушбу қонун ҳаётга изчил татбиқ этилиб, ёшларнинг ривожланиши, жамиятда унинг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, Ватан олидаги гуруҳ ҳиссини тарбиялаш, кеска авлодга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, шунингдек, ёшларни "оммавий маданият" аталмиш унсурлардан ҳимоя қилишни рағбатлантирадиган ташкилий-ҳуқуқий ва институционал чора-тадбирлар амалга оширилди.

"Таълим тўғрисида"ги, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Воёта етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар кенг норматив-ҳуқуқий базани ташкил қилиб, уларнинг ижроси юзасидан ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш, соғлом турмуш тарзи учун шарт-шароитларни яратишга Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг қарийб 50 фоиз маблағлари сарф қилинмоқда.

Тайёрланаётган қонун лойиҳаси 4 та боб ва 34 та моддан иборат бўлиб, унда "ёшларга оид давлат сиёсати", "ёшлар (ёш фуқаролар)", "ёш оила", "ёш мутахассис" тусунчаларининг мазмуни тўла очиб берилган, ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ўрнатилган, шунингдек, соғлиқни сақлаш, иш билан таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий кафолатлари белгиланган.

## АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ахборот технологиялари асрида ахборот хавфсизлигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирги замондаги энг катта хавф инсонларнинг қалбини ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафқуравий курашдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатиди "Мамлакатда ахборот хавфсизлигини таъминлашда маҳаллий оммавий ахборот воситалари ролини янада оширишнинг долзарб масалалари" мавзуда ўтказилган давра суҳбатиди шулар ҳақида сўз юритилди.

Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан Сенатнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларнинг ривожлантириш вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этиди.

Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари С.Ортиқова, Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси раисининг ўринбосари И.Мирзаалиев ва бошқалар мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини оширишга қаратилган ислохотлар жараёнида ахборот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган эътибор муҳим ўрин тутаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Хусусан, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида", "Давлат ҳокимияти ва бошқа-

руви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонунлар соҳа ривожига хизмат қилаётди.

Давра суҳбатиди оммавий ахборот воситалари фаолиятини оид қонунлар, қарорлар ва уларнинг бажарилиши, ахборот хуружи ва унга қарши иммунитетни шакллантириш, электрон ахборот маконидида бўшлиқларни миллий ғоя ва мафқурага мос маълумотлар билан тўлдирish борасида амалга оширилётган ишлар муҳофама этилди.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги билимларни тақомиллаштириш, соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада кучайтириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг малака ва кўникмаларини ошириш, соҳада оид норматив-ҳуқуқий базани тақомиллаштириб бориш зарурлиги эътибор қаратилди. Ушбу йўналишдаги ишларни янада тақомиллаштириш, маънавий-маърифий тарбият ишларининг таъсирчанлигини ошириш, замонавий ахборот технологиялари ва механизмларидан унумли фойдаланиш, жамиятда мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган самарали усуллари ишлаб чиқиш юзасидан фикрлар билдирилди.


Н.АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири



## ОЛҚИШ СИЗГА, ОЛИМПИДАЧИЛАР!



Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида давом этаётган XXXI ёзги олимпиада ўйинлари қизгин паллага кирди. Шиддатли курашларда мардона иштирок этаётган мамлакатимиз спортчиларидан қувончли хабарларни кутиб, тонг оттираётган муҳлислар тотаётган ғалаба нашидаси тарифга сифмайди. Ҳамюртимиз Ҳасанбой Дўстматов кўлга киритган олтин медал завуқ шавқи устига Руслан Нуриддинов ўрнатган рекорд ҳам нур устига аъло нур бағишлади. Олам аҳли ўзбекистонлик спортчиларнинг ҳеч кимдан кам эмаслигига яна бир бор тан беришмоқда. Барча нарсанинг



кулминацион нуқтаси бўлганидек, олимпиадада ҳам атлетлар ана шу нуқтага етиб боришди. Тўрт йил давомида ўзини ҳар томонлама жангларга етарлича тайёрлай олган атлетлар ғалабанинг ечимини топиб, шоҳсупанинг юқори пагоналаридан жой эгалламоқда. Биз учун эътиборлиси, олимпиада совриндорлари орасидан жой олаётганлар қаторида ватандошларимиз номи кун сайин ортиб бораётганидир.





# Навқирон бобо

## ► ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Самарқандда отахон Ҳасан Нормуродовни танимаган одам кам бўлса керак. Пойтахтда ҳам. Айниқса журналистлар. Кимдан сўраманг: “Эй, ҳа, вилоятда нурунийларнинг каттасими? Таниймиз, ўзимизнинг кадрдонимиз-ку, биз журналистларнинг энг яқин дўсти, маслаҳатгўйи”, дейишади.



дадир сарсон-саргардон бўлиб юрганларга Ҳасан бобога ўхшаган жонқуяр ватандошларимизни ўрناق қилиб кўрсатгим келлади.

Лавҳамиз қахрамони эсини танибдики, она қишлоғи, тумани равнақи йўлида хизмат қилиб келади. Бор кучи, қобилиятини шу юрт манфаати йўлида сафарбар этган ва кам бўлмаган, мудом ҳаракатда яшашган инсон. Баъзан иш юзасидан эришилган ютуқлар саналадиган бўлса, у кишидан бир нечта кўйлакни камроқ йиртган биздек ёшлар ҳам уялиб қоламиз. Ҳасан Нормуродов биринчидан, ташаббускор, иккинчидан, ишнинг кўзини билади. Учтинчидан сафарбарликни жойида қўлай олади. Эришилган натижа ҳам шунга яраша.

— Мен бир нарсанинг гувоҳи бўлганман ва ҳаммиса лол қоламан, — дейди отахоннинг катта шогирдларидан бир, узоқ вақт эл-юрт хизматида бўлган инсон Тошбўри Раҳимов. —

Ҳасан Нормуродов бирор ишни буюрса, ҳамма йўқ демай, баҳона қидирмай бажаришга киришади. Айрим раҳбарларнинг эса айтгани тугул буйруғи ҳам бажарилмайди. Бу инсоннинг юзидан нур баққади. Истараси иссиқ. Меҳри дарё. Атрофидан одам аримайди. Биз у кишидан умрбод инсонийлик фазилатларини ўрганамиз, оз Ҳасан Нормуродов шундай одам. У маслаҳатгўйимиз.

Ҳасан бобонинг ёши икки кам саксонда. Тўғриси, у кишини бобо дейишга салгина исhtiҳола қиласан, киши. Юзларию қадди-бастига қараб олтишдан ошган демайсиз.

Бугунги замондош образи ҳақида гап кетгудек бўлса, мен, албатта, Ҳасан Нормуродов қиёфасини, турмуш тарзини мисол келтирган бўлардим. Фарзандлар, шогирдлар, ҳамкасблар, дўсту ёрлар ардоғида яшаш бахти у кишига мукамал берилган. Ҳасан ота ўзининг маърифатли, маънавиятли ҳаёт тарзи билан элу юртга ўрناق бўларли, ҳақиқий саодатманд инсон.

Абдуҳалим МЕЛИЕВ

## ► ҲАМКАСБЛАРИМИЗ

Жамиятимизда ўз иқтидори, қобилияти билан юксак ўринларни эгаллаётган, ўз касби ва соҳаси бўйича устозлик даражасига етишган аёллар, опа-сингилларимиз кўп. Журналистикада ҳам шундай.

# Нафосат журналистикаси

Бир вақтлар матбуотимиз саҳифаларида ажойиб мақолалари билан ўқувчилар меҳрини қозонган Муқаддас Абдусаматованинг бугун ҳам ижоддан тўхтамай, газеталарда чиқишлар қилиб турганидан қувонаман. Таниқли ижодкор Муҳтарома Улугованинг бугунги ёш журналист сингилларимизга ўрناق бўлудек чиқишларини кузатиб, фахрланаман. Умуман, қайси нашр бўлмасин, ҳамкасб аёлларимизнинг мақолаларига кўзим тушса, эринмай ўқиб чиқаман. Негаки, уларда аёл қалби, нигоҳи шундоқ акс этиб туради.



“Маҳалла” газетасида Майсара Назарова, “Гулчехралар”да Қутлибега Раҳимбоева ҳамда бошқа нашрларимиздаги опа-сингилларимиз қаламига мансуб мақола ва хабарларда аёлларга хос назокат, латофатни ҳис этиш мумкин.

Фарғоналик Мухтасархон Норбоева журналистикада ўз ўрнига эга бўлиб бораётган ана шундай аёллардан биридир.

Қаранг, кечагина деймиз-у, шунга ҳам ўн-ўн-беш йил бўлиб қолибди, Мухтасархон ёшгина талаба қизча эди. У Ўзбекистон миллий университети журналистика факультетига таниқли мураббийлардан сабоқ олаётганини фахр билан сўзлар, билимларини амалиётда синаб кўришга интиларди. Амалиётини “Маърифат”, “Туркистон”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” каби нашрларда ўтагани унинг бахти, десак, муболага бўлмайди. Мазкур таҳририятлардаги ижодий муҳит Мухтасар каби кўплаб ёшларга қанот бағишлаган.

2006 йили университетни битирган Мухтасар олдида икки йул турарди. Бирни пойтахтда қолиб, бирор газетани ишлаш, иккинчиси — Фарғонага, туғилиб-ўсган жойига қайтиб, меҳнат фаолиятини бошлаш.

— Ўқини битириш арафасида менга “Қўқон садоси” ва “Знамя труда” бирлашган таҳририятдан иш таклиф қилиб қолишди, — дея эслайдиган уша ҳаяжонли кунларни ёш журналист. — Бу мен учун айни муддао эди. Мазкур таҳририятда Рафиқжон Отажонов, Абдулхамид Муҳаммадиев, Курбаноӣ Султонова, Баҳодир Носиров, Фотиҳ Азимовлар (охирати обод бўлсин) кўмағида маҳоратини янада ошириб бориш имконияти туғилганидан бағоят хурсанд бўлдим.

Шу тариқа, қўқонликлар шаҳар газетасида янги иқтидор соҳибаси, янги ном пайдо бўлганини билдилар. “Мухтасар Норбоева” имзоси билан берилаётган олдий хабардан тортиб, публицистик мақолаларгача янги фикр, янги нафас сезила бошлади.

Йиллар давомида қалами чарчланб, мухлислар, жамоатчилик эътиборини қозонган истеъдодли журналист Мухтасархон Норбоева 2013 йили шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги “Қўқон садоси” ва “Знамя труда” газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири лавозимига тайинланди.

Шаҳар ойнаси саналмиш газета саҳифаларида Қўқоннинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий, маърифий ҳаёти, халқлар дўстлиги, миллатлараро тотувлик, ислохотларнинг бориши, камчиликларга муросасизлик борасидаги мақолалар изчил ёритиб келинмоқда.

Газета таҳририяти ёшлар учун ҳаёт мактабига айланган. Мухтасархон билан бир сафда меҳнат қилаётган ёшлардан бири Азизахон Аҳмедова “Камолот” ЕИҲ томонидан ўтказилган “Йилнинг энг фаол тарғиботчиси” кўрик-танловига, шунингдек, “Мен ёш истеъмолчининг” иншолар танловига голиблар сафидан ўрин олди.

Ёш, изланувчан ҳамкасбларнинг ташаббуси билан газета саҳифаларида кўплаб янги рухлар ташкил этилди. “Инсон ва қонуни”, “Депутат минбари”, “2016 йил — Соғлом она ва бола йили”, “Ўзбекистон ёшлари — бахтли юрт фарзандлари”, “Педагог мулоҳазаси”, “Муносабат”, “Ёшлар нуктаи назари”, “Сўраган эдингиз” каби рухлардаги материаллар ўз ўқувчиларини топди.

Изланувчан журналист М.Норбоева аёл ҳамкасбларимиз ўртасида ўтказилган “Атиргул” танлови (2010 йилда) совриндори. Самарали фаолияти, вилоят ижтимоий ва маънавий ривожига кўшаётган ҳиссаси учун вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиғига ҳам сазовор бўлди.

Ҳар қандай ижодкор ўз фикр-қарашларини кенг ўқувчилар оmmasига илينيши, улар билан диллашишни истайди. Мухтасархон Норбоева ўзини ўйлангирган долзарб мавзуларда ёзган мақолалари билан бугун Фарғона вилоятининг “Фарғона ҳақиқати”, “Ойдин”, “Маънавият”, “Зукко замондош”, “Навабоҳор”, шунингдек, пойтахтимизда чоп этиладиган Огоҳ”, “Маърифат”, “Оила даврасида” газеталари ўқувчиларига ҳам янги таниш.

Меҳнатсезам, иштилувчан ҳамкасбимизнинг кейинги фаолиятига ҳам омадлар тилаймиз.

Мухтор БЕК,  
Ўзбекистон Журналистлари  
ижодий уюшмаси аъзоси

## ► ДУНЁНИНГ ЕТАКЧИ НАШРЛАРИ

Дунёда шундай нашрлар борки, уларнинг муваффақиятлари ақлингизни шоширади, минглаб, миллионлаб мухлисларга эга. Катта нусхаларда кўплаб мамлакатларга тарқатилади. Шундай журнал ё газетада мақоласи чиқишини истамайдиган журналист бўлмаса керак.



“Форбс” (“Forbes”) — ана шундай нуфузли нашрлардан бири, Американинг молиявий-иқтисодий журнали. Унга 1917 йилда Берт Чарлз Форбс асос солган.

Журналнинг шиори — “Капиталист инструменти”. Унинг штаб-квартираси Нью-Йорк шаҳри марказидаги Бешинчи авеню (икки чеккасига дарахлар ўтказилган катта кўча)да жойлашган. Журналнинг айни пайтдаги бош муҳаррири нашр асосчисининг набираси Стив Форбс, ношири эса Ричард Карлгаард.

Берти Форбс ҳаётигида у асос солган журнал ҳали нашрлар лидери бўлиб улгурмаганчи. Негаки, унинг “Бизнес Век”, “Фортуна” сингари бир қанча йирик рақобатчилари бор эди. Берт Чарлз таҳририят харажатларини бошқа нашрлар тўлаган қалам ҳақидан қоплаган вақтлари ҳам бўлган. Уша пайтларда “Форбс”нинг алади 100 мингдан ошмаган. Бу эса АҚШдек йирик мамлакат учун кичик тираж саналарди. 1928 йилда америкалик медиа-магнат Уильям Рэндольф Херст ушбу журнални 10 миллион долларга сотиб олди таклифи билан чиқди. Берти эса Америкадаги ягона мустақил журнални сақлаб қолишга уриниб кўришини айтиб, унинг таклифини рад этди. Ҳа, у бир кун келиб, ўз нашининг дунё ўқувчилари эътиборини торта олишига ишонган эди. Собит эътиқоди туғайли унинг орузси амалга ошди...

“Форбс”, ҳақиқатан, узоқ йиллардан буён ўзининг муваффақиятли лойиҳалари билан муштарийлар диққатини тортиб келмоқда. Унда бизнес янгиликлари, энг яхши лойиҳалар ва маҳсулотлар, касод бўлган етакчи ишбилармонлар ва бунинг сабаблари, таниқли ишбилармонларнинг ҳаёти ва фаолияти, дунёнинг энг бадавлат кишилари рўйхати, энг катта гонорар оладиган шоу-бизнес вакиллари ва спортчилар, уларнинг даромади ва харажатлари, бизнес-найрангбозлар ва PR-трюклар хусусидаги шов-шувли мақолалар бериб борилади.

Жаҳоннинг қорчалон нашрларидан бири бўлмиш “Форбс” ушбу мавқега шунчаки эришмаган, албатта. Кучли кузатув, энг қизиқарли ва долзарб мавзулар, воқеа-ҳодисаларга бўлган объектив ёндашув унинг рейтингини юқори бўлишига асосий омилдир. Дунё бизнесининг ҳар бир янгилигидан доимий хабардорлик, турли йўналишлардаги рейтинглар, айниқса, жаҳон миллиардерлари рўйхати нашр ўқувчиларининг асосий эътиборида туради. 1918 йили илк бор етакчи бизнесменлар рўйхати мазкур нашр саҳифаларида берилган. 30 нафар энг бой америкалик рўйхатида Жон Рокфеллер ўзининг ўша пайтдаги 1,2 миллиард доллар маблағи билан лидер сифатида намён бўлган.

АҚШда чоп этиладиган аудиторияси энг катта журнал “Bloomberg Businessweek” саналди. “Форбс” эса ундан кейинги ўринни эгаллайди. Унинг ҳар сониде турли компаниялар, уларнинг асосчилари ва раҳбарлари тўғрисидаги 60 дан зиёд таҳлилий мақола чоп этилади. Нашрнинг инглиз тилидаги нусхаларини дунё бўйича 5 миллионга яқин киши ўқийди. Бундан ташқари, “Форбс” Россия, Украина, Япония, Бразилия, Польша, Грузия, Қозғистон, Эстония, Жанубий ва Шимолий Корея ва Хитойда маҳаллий тилда чоп этилади.

Х.ФАЙЗИЕВА тайёрлади.

## Мазмунга бой

### амалий таклиф ва тавсиялар



## ► МЕДИА-КУНЛАР

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда миллий ва халқаро ҳамкорлар томонидан ташкил этилган медиа-кунлар яқун топмоқда.

Нодавлат телерадиоузатувчиларнинг ижодий ва техник ҳодимлари учун чин маънодаги тажриба майдонига айланган медиа-кунлар доирасида Самарқанд, Тошкент ва Фарғона шаҳарларида йирик медиа-лоийҳалар ўтказилиб, унда халқаро ташкилотлар, Германия, Франция, Литва, Болгария, Чехия, Россиядан ташриф буюрган халқаро экспертлар иштирокида ёзи медиа-кэмп, турли тақдимотлар, давра сўхбатлари ва семинарлар ўтказилди.

Жумладан, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда болалар студиясини ташкил этишга қаратилган семинар-тренинг ҳам бўлиб ўтди.

— Семинарнинг икки асосий мақсади бор. Биринчиси, болалар ҳаётига оид ижтимоий медиа-лоий-

ҳаларни яратиш, иккинчиси, болалар телерадиотурларини янада ривожлантириш, сифатини яхшилашдир, — дейди, ташкилотнинг коммуникацияларини ривожлантириш бўйича маслаҳатчиси, мураббий Барбара Франклин.

Яна бир муҳим тadbирлардан «Мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида нодавлат электрон ОАВнинг ролини ошириш: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусидаги халқаро семинар мамлакат ҳаётида муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлиб қолди. Унда кенг жамоатчилик, шу жумладан, халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистонда ахборот соҳасини ривожлантириш бўйича Венадаги вакили Дайнон Ралзьявичиус, Германия маҳаллий телекомпаниялар ассоциацияси президенти Рене Фалькнер ва бошқарув тadbирда глобал очик ахборот жамиятини шакллантириш шароитларида рақобатбардор медиа-бозор ташкил этишнинг формалари, усуллари ва асосий

аҳамиятини ошириш борасидаги миллий қонунчиликнинг такомиллаштирилиши, шунингдек, электрон ОАВнинг нодавлат сегментини ривожлантириш учун яратилган шароитлар тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилди.

Халқаро ва хорижий амалиётчилар, эксперт ва мутахассислар, жумладан, Латвия Сейми депутаты, «Латвия учун қалб кўри билан» («Дия Латвии от сердца») парламент гуруҳи раиси Ингуна Судраба, Жануби-шарқий Европа ОАВни ривожлантириш бўйича эксперт, Европа Коммуникациялар бўйича директорлар жамияти ассоциацияси (EACD) аъзоси Огнниан Златев (Болгария), Осие — Тинч океани телеузатувчилар Иттифоқининг Бош котиби Жавад Моттаги (Малайзия), ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги масалалари бўйича Венадаги вакили Дайнон Ралзьявичиус, Германия маҳаллий телекомпаниялар ассоциацияси президенти Рене Фалькнер ва бошқарув тadbирда глобал очик ахборот жамиятини шакллантириш шароитларида рақобатбардор медиа-бозор ташкил этишнинг формалари, усуллари ва асосий

қоидалари тўғрисида ўзларининг аниқ амалий таклиф ва тавсияларини тақдим этишди.

Иштирокчилар кеча Самарқандда режалаштирилган тadbирларни ўтказиб, бугун Тошкентга қайтишади. Улар пойтахтимизда мамлакатимиз миллий нодавлат телерадиоузатиш соҳасининг инфратузилмаси ривожининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари, нодавлат электрон ОАВнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти ва техник имкониятлари билан танишиш имкониятига эга бўладилар. Тadbирлар анъанавий «Озод юрт тўлқинлари» медиа-фестивали билан давом этади.

Шунингдек, Август медиа-кунлари доирасида 18 август кунини «Рухсор» ТРК қошида фаолият олиб борадиган «Марғилон ТВ»нинг янги биноси очилиши муносабати билан сафар ва миллий ҳамда халқаро экспертлар, мамлакат нодавлат телерадиотаншациялари раҳбарлари ва вакиллари, давлат ва жамоат арбоблари иштирокида сайёр семинар ташкил этилиши режалаштирилган.

Нигина  
ҲАКИМОВА,  
ЎЗАОАВМА  
мухбири




ТАРЖИМОҚДАЧ

Ота-боболаримиз фарзанд тарбиясини бир миллат ёхуд халқнинг эмас, инсониятнинг тақдирига дахлдор ҳодиса деб ҳисоблашган.

ларига юклайдилар. Болага боғча, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим муассасасида берилган билим унинг баркамол инсон бўлиб етишишига ёрдам бериши барчамизга маълум.

2016 йил — соғлом она ва бола йили



Маҳалла овоғ — кўнғил овоғ

МУНАВВАР МАНЗИЛЛАР

Бугун мамлакатимизнинг барча гўшаларида энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллик шукуҳи кезиб юрибди.

Уч ёшдан сўнг кеч...

(1-мақола)

БОЛАЛАР БОҒЧАСИ — БУ ЖУДА ҲАМ КЕЧ

Ҳар биримиз мактабда иқтидорли синфдошимиз бўлиб, у тез орада синф таққисига айланиб, аъло баҳоларга ўқигани, бошқаси эса қанчалик уринмасин, доимо орқада — “қолоқлар” сафида юрганини эслаймиз.

гувоҳи бўлгач, ўз вақтида фарзандим учун ҳеч нарса қилмаганимдан афсусландим. Мен илк мартаба талабалар чиқишлари муаммоси билан шуғулланганимда, бизнинг таълим усулимиз нега қониқмаслик ва агрессивликни келтириб чиқаришини ўйлаб қолдим.

чик ўсимталар бўлиб, гўдак уларнинг сари улар бир-бири билан боғланади. Хужайраларнинг фаол шаклланиши айнан инсон туғилганидан уч ёшгача бўлган даврни қамраб олади.

ёшгача олинган билим ва ахборот ётади. Боланинг бошқаларни фарқлай олиш қобилияти олти ойда бўлибди, айнан шу пайтда унда уялиш ҳисси ҳам уйғонади. Бола ўзининг ота-онаси ва

бора бошлагач, уни қатъийлик билан тарбиялаб, ўргата бошлайдилар. “Меҳрибон” оналар бирдан “қаттиққўл” бўлиб қолади. Аслида эса бунинг акси бўлиши лозим. Инсон туғилганиданок у билан қаттиққўл ва

МУАЛЛИФДАЧ

Масару ИБУКА: Комилликка илк қадам

Қадимдан ўзига хос иқтидор — табиат инъомы, у суюқ суради, деб ҳисобланган. Бизга Моцарт ўзининг биринчи концертини уч ёшда қўйган ёки Жон Стюарт Милл шу ёшда классик адабиётни лотин тилида ўқий олган дейишса, кўпчилик: “Албатта, ахир, улар даҳоқу!” деб қўя қолади.

қанчалик таъсир кучига эга экани ҳақида ўйлаб қолдим. Мазкур масала нафақат баъзи болалар, балки бутун инсониятнинг соғлиги ва бахти учун муҳимдир. Шунинг учун ҳам 1969 йилда “Япония эрта ривожланиш ассоциацияси” ташкилотини тузиш билан шуғуллана бошладим. Олимлар ўша пайти бутун дунё аҳлининг эътиборини тортган доктор Шиничи Сузукиннинг гўдакларни скрипка чалишга ўргатиш методини тажриба-синов синфларида ўрганиш ва таҳлил қилиш учун йиғилган эди.



Бу ерда ҳамма ўз иши билан банд. Талбиркорлар маҳалладошларига ҳиммат кўрсатиб, ибратли ишларга бел боғлаган. Бир-бирини кўнгил сўрашга вақт топган кўни-қўшнилар қадрлан, қиёматли дўст бўлиб кетганини самимий қўришиб-сўрашларидан ҳам сезса бўлади.

Бундан йигирма беш йил бурун маҳаллаларимиз қандай аҳволдалигини сиз журналистлар яхши биласизлар, — дейди Эминжон ака. — Одамлар дардини айтишга ийманарди. Хуқуқи поймол бўлганлар билан ҳеч кимнинг иши бўлмаган. Мана, эндиликда маҳалла миллий қадрият сифатида эъзоз топди. Шарқона, ўзбекона урф-одатларимизнинг ўзига хослигини ҳатто хорижликлар ҳам эътироф этмоқда.

Бағрикент, саховатпеша, меҳнатқаш, бир-бирлари билан аҳил бу маҳаллада “Кўпга бер, шу қаторида менга ҳам...” деб элу юрт юмушларига шай турган меҳр-муруватли инсонлар кўп. Аҳоли учун яратилган қулайликлар, савдо дўконлари, гўзал кўсалони ва наввойноҳалар бодиллик ва фаровонлик тисмоли.

БОЛАНИНГ ЯХШИ ҲАМ ТУҒИЛАШИ

Ҳеч бир бола даҳо ҳам, аҳмоқ бўлиб ҳам туғилмайди. Бунинг барчаси гўдакнинг миёси ривожланаётган пайтда унинг қай даражада рағбатланганлигига боғлиқ. Бу боланинг туғилганидан бошлаб уч ёшгача бўлган давридир. Тарбияни ҳатто болалар боғчасидан бошлаш ҳам беҳуда.

ЭРТА РИВОЖЛАНИШ — ДАҲОЛАТИ КАФОЛАТИ ЭМАС

Мендан кўпинча “эрта ривожланиш даҳоларни тарбиялайди” деб сўрашади. Албатта, йўқ. Эрта ривожланишнинг асосий мақсади — болани таълим оралиги ақли, меҳрибон, топқир қилиб тарбиялаш ва унга соғлом тана бахш этишидир. Агар инсонлар жисмоний нуқсонга эга бўлмаса, бир хил бўлиб туғилганлари ва уларнинг ақли ёки аҳмоқ, агрессив ёхуд меҳрибон бўлиб етишишлари асосан боланинг олаётган тарбиясига боғлиқ. Эрта ривожланишнинг қўллашдан асосий мақсад ҳам бахтсиз болаларни тарбияламаслик. Болага скрипка чалишни ўргатишдан мақсад уни буюк скрипкачи қилиб тарбиялаш эмас ёки тил ўргатишда у катта бўлишига машур тилшунос ё таржимон бўлсин деган ният қўзланмайди.

Инсон миёси 1,4 миллиард хужайрадан ташкил топган ва чақалоқнинг миёсида уларнинг аксарияти ҳали дунёни билиш учун сафарбар этилмаган бўлади. Хужайралар ўртасида ки-

изгача бирикади. Уларнинг ривожланиши мия фаолиятини фаоллаштириб, унинг имкониятларини кенгайтиради. Олти ойлик чақалоқнинг миёси 50 фоиз имкониятини ишга солса, уч ёшга келиб бу кўрсаткич 80 фоизга етади. Албатта инсон миёси уч ёшдан кейин ҳам ривожланишда давом этади. Уч ёшгача орқа мия ривожланади, 4 ёшдан бошлаб унинг олди қисми фаоллашади. Фикрлаш, эҳтиёж, ижод, ҳиссиётлар уч ёшдан сўнг ривожланади, уларнинг асосида айнан уч

яқинларини бегоналардан ажрата олади. Замонавий тарбия усулида “қаттиққўллик” ва “барча нарса мумкин” деган туншунчалар алмаштирилиб хато қилинади. Аксарият замонавий педагоглар ахборотнинг қўлиги боланинг асаб тизимига салбий таъсир кўрсатади, деб ўйлайди. Улар болани ўз ҳолига ташлашни маслаҳат беришади. Бошқалари эса айнан шу ёшда бола худбин бўлиб, фақат ўз эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилади, дейди. Амма бола боғча ёки мактабга

меҳрибон, ривожлана бошлагач эса, унинг иродаси ва “мен”ини ҳурмат қилиш лозим. Яъни эрта ёшда болани ҳақдан ташқари эркин қўйиб юбориш ва бирданига қаттиққўллик билан тарбиялаш фарзандингиздаги мавжуд иқтидорнинг очилмаслигига олиб келиши мумкин. Чунки шу пайтгача эркин бўлган бола миёси бирдан содир бўлган ўзгаришларга қаршилик кўрсатади.

Наргис КОСИМОВА таржимаси



— Маҳалламизда зиёли, ўқимшли оилалар кўп. Меҳр-оқибати, лафзи ҳалоллиги билан ишончимизга кирган, — дейди маҳалла маслаҳатчиси Зулфия Раҳимжоновна. — Катта ҳаёт тажрибасига эга онахонларни ёш оилаларга масъул қилиб қўйганимиз. Шунинг учун йилдаги гаплар кўчага чиқмайди. Оилавий қўйди-чиқди масалаларига келсак, бизда яраштириш комиссияси фаолияти яхши йўлга қўйилган. Маҳалла назари нафақат аҳоли тинчлигини таъминлаш, балки оилавий муносабатларда ҳам хуқуқий ёрдамни аямасди. Хотин-қизларимиз бирор ишнинг бошини тутишига алоҳида эътибор қаратаемиз. Улар ҳунар ўрганиш билан бирга, ўғил-қизларини рисоладагидай тарбиялашмоқда. Мухими, маҳалламиз йилдан-йилга чирой очиб бормоқда. Мева-чева, полиз ва гўшт-сут маҳсулотлари ўзимиздан чиқади. Бизга фақат шикоят аризаси ёки бирор муаммо билан эмас, инсонийлик юзасидан муурожаат қилганлар ҳам бор. Мана бугунги байрамда энг яхши хонадон эгалари, талбиркорлар ва нуруний отахон онахонлар фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Бундай рағбат иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Тошкент шаҳрига бақамти бўлган файзли маҳалладаги ўзгаришлар кўзимизни қувонтирди. Айниқса, қалби меҳрга тўла меҳмондўст халқимизнинг яхши кунларига бирга бўлиш... хуш келар экан қишига. Қаранг, энг намунали хонадон эгаларидан бири Азиза опа Мирзахмедова олтинчи кишига ўз хонадонидан экзилган гулларнинг уруғи, қўчатида улашибди. Яна бир кекса онахон бир қанча келинларни ёнига олиб, кўрпа тиқишни ўргатибди. “Ифтихор” маҳалласидан ўзгача ифтихор билан қайтар эканмиз, Эл негиб тоғай мениким, Мен ўзимни топмасам, деганларида ҳазрат Навоий нақадар ҳақ эканларига яна бир бор амин бўлдик. Шу ерда гапни мухтасар қилиб, юртимизда мана шундай обод маҳаллалар, ҳиммати бандан, инсонларвар одамлар кўпаяверсин, деймиш.

Шоҳиста ОРТИКОВА

Адиба УМИРОВА

ФЕЪЛ

Энди танишган одамнингиз билан қандай суҳбат қурасиз? Унинг муомаласидан қониқасизми ёки истиҳоло килиб, беварқ бўласизми? Демак, истиҳоло шахснинг шундай ички ҳиссий тушунчасики, бу ҳақда айрим фикрларим билан ўртоқлашмоқчимдим.

Истиҳоло

бўлса — кишининг кайфиятини кўтариб, енгил тортсан.

Самимийлик назаримда, истиҳоло элементларни ривожлантириб боради. Менимча, истиҳолани андиша билан қориништириб юбормаслик керак. Андиша ҳар бир шахсда қандайдир кечадди, бу унинг виждонига ҳавола. Бирок истиҳоло ҳар биримизнинг дилимизни, фикр мантқиқимизни фақат яхшиликка бошловчи мезон сифатида бошқариб турувчи ўта муҳим ички ҳислат — руҳий ҳолатдир.

Самимий ва истиҳодани одам доимо ўзи билан файз-баракани олиб юради, фақат яхшилик, истиқбол уруғини сочаверди. Бундай одамни кўрсанг, сенинг ҳам бахти-дидинг очилди. Уни қўлаб-қўватлаверсан!

Яқинда амакким катта талбир ўтказди. Биз ҳаммамиз, қариндош-урулар, яқинлар унинг йўли-йўригини билан қиймай барча топшириқларини аъло даражада бажаришга киришиб кетдик. Бирор жойда камчилик содир бўлмасин дея, парвона бўлдик. — Талбирга файз киряпти, яхши ўтади. Сиз файзли одамсиз! — дегим самимий оҳангда амаккимга.

яъни ишларнинг боришини кузатиб.

— Сизларнинг ёрдамларингиз билан, — жавоб қайтарди у киши самимий қулиб.

Истиҳолани ўзига хос категория деб ўйлайман. Унинг замирида на манфаат, на фойда, на таъма бор. Унинг ўзига хослиги, шахснинг маънавий етуклиги, баркамоллиги билан узвий боғлиқдир.

Боя айтиб ўтилган, амаккимнинг талбири ўтказишдаги зукколиги, эҳтиёткорлик ила талбир қатнашчиларига муносабатда бўлиши унинг инсоний фазилатларини кўрсатиб турибди.

Баҳир-қажир қилиб, арзиманг жойдан жанжал чиқариб, одамлар кайфиятини бўзмади. Талбир ўз маромида, уюшган ҳолатда ўтди. Демак, истиҳоло феълимизга, ўзбек она олатимизга мисол бўлган жараён — буни фақат меҳр-оқибатли, меҳр-муруватли, андишали, муҳими, имон-этиқодли одамгина биллади.

Муруватхон ҚАРИМЖОН ҚИЗИ, ʼАдЖТУ талабаси

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

“Қариси бор уйнинг париси бор”, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, ўзбек хонадонларига ташриф буюрар экансиз, кўлини дуога очган бобою-момоларни кўриб, қалбингизда гурурланиш ҳисси мавжланади.

Байрам шукуҳи

Бу албатта, ёши улуғ инсонларга нисбатан бўлган эътибор ва гамхўрлик, ҳурмат ва эҳтирอมдан иборатдир. Ҳаётнинг пасту баланд йўлида тўлганган кексаларнинг пай-насихатлари, ўғитлари, албатта, ёш авлод тарбиясида ибрат вазифини ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Мулофаз вазири Фохрийлар ишлари бўйича маркази Кенгаши ҳам ана шундай мақсадни кўзлаган ҳолда ташкил этилган бўлиб, ҳарбий хизмат давомида юксак жасоратларга эришган, қаҳрамонликлари билан ёш авлод қалбига чуқур ўрнашган, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлда шарафли бурчини адо этган фахрий инсонлар мазкур Кенгашда бирлашганлар.

Яқинда кенгаш аъзолари томонидан ташкил этилган мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан “Гузал ва бетакроримсан, мукддаф Ватаним, жоним сента фидо. Ўзбекистоним!” маънавий-маърифий талбири ҳам ўзига хос тарзада ўтди.



